



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

734 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Нурметов Рашид
Шаназоровичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Нурметов Рашид Шаназоровичнинг “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 17 мартдаги ШЯ-Н-1155-сонли аризасини, “Нурафшон” шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 16 мартдаги 859-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 82,03 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 172,67 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 254,70 квадрат метр, қурилиш ости майдони 336,1 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1585,0 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 285,0 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Нурметов Рашид Шаназоровичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Нурметов Рашид Шаназоровичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа

бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 285,0 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Нурметов Рашид Шаназоровичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўрибосари А.Куриязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев